


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 9 октябрь, № 198 (5872) Чоршанба


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 октябрь куни Оқсаройда Словакия Республикаси, Фаластин Давлати, Исроил Давлати, Бангладеш Халқ Республикаси, Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Павол Иван, Муҳаммад Абдулла Таршаҳаний, Кармела Шамир, Масуд Маннан ва Жак-Анри Ольсдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.**

Давлатимиз раҳбари элчиларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон улар вакили бўлган мамлакатлар билан икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият беришини таъкидлади ва дипломатларга мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ишида муваффақиятлар тилади.

Словакия элчиси Павол Иван билан суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Словакия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 20 йил давомида икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланаётгани, турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик бўйича бой тажриба тўплангани ва бу узоқ муддатли, ўзаро манфаатли муносабатларда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Словакия элчиси мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги анъанавий дўстона алоқаларни кенгайтиришни Ўзбекистондаги ўз миссиясининг асосий вазифаси, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Фаластин халқлари ўртасида асрлар давомида шаклланган кенг кўламли савдо, маданий-гуманитар алоқалар бугунги кунда янги шакл ва мазмун касб этмоқда.

Фаластин элчихонаси раҳбари нафақат минтақада, балки бутун дунёда юксак обрў-эътиборга эга, инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар етишиб чиққан Ўзбекистонда элчи сифатида фаолият юритишни ўзи учун юксак шараф, деб билишини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги муносабатлар амалий ҳамкорликни ривожлантириш, аввало, мавжуд савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка оид юксак салоҳиятни тўла рўёбга чиқариш, Исроилнинг илғор технологиялари асосида қишлоқ хўжалиги, сувни тежаш ва энергетика соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган. Кармела Шамир Ўзбекистондаги миссиясини мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли барча соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш учун қулай имконият, деб билишини таъкидлади.

Ўзаро савдо алоқалари Ўзбекистон ва Бангладеш муносабатларида муҳим ўрин тутади ва икки томон ҳам савдо-сотиқни изчил ривожлантиришдан бирдай манфаатдордир. Икки томонлама ҳамкорликнинг мавжуд механизмлари иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини биргаликда белгилаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасидаги изчил маданий-гуманитар ҳамкорлик серқирра алоқаларнинг муҳим йўналиши экани таъкидланди.

Элчи Масуд Маннан мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун бор имконияти ва дипломатик тажрибасини ишга солишини қайд этди. Унинг фикрича, бунинг учун кўплаб имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Францияни ўзининг муҳим ташқи сиёсий ҳамкорларидан бири деб билади. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланмоқда.

Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро англашув, бир-бирининг манфаатларини инобатга олишга асосланган амалий сиёсий мулоқот ўрнатилган, шартномавий-ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда, фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида алоқалар кенгаймоқда. Томонлар минтақавий хавфсизликни таъминлаш, замонавий хавф ва таҳдидларни биргаликда бартараф этиш масалаларида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Франциялик дипломат ўз мамлакати раҳбарияти Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади.

**(ЎзА).**

## ХАЛҚАРО САНОАТ ҲАФТАЛИГИ



Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида ўз дастурига учта халқаро кўргазмани қамраб олган "Central Asian Industrial Week 2013" форуми иш бошлади.

### ЖАРАЁН

Булар "Тоғ-кон иши — MiningWorld Uzbekistan 2013", "Металлургия ва машинасозлик — Machinery Central Asia 2013", "Қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғиндан ҳимоя — CIPS 2013" халқаро кўргазмаларидир. Уларнинг иштирокчилари, ишбилармонлар тили билан айтганда, B2B — бизнес-бизнесга тамойиллари рўёбининг шоҳиди бўлишмоқда. Негаки, мазкур халқаро анжуман минтақамиздаги энг йирик иқтисодий форумлардан бири сифатида Марказий Осиё, МДҲ, Европа ва Осиё мамлакатлари саноат секторининг йирик намояндаларини Ўзбекистон вакиллари билан учраштиради. Бинобарин, ҳафталикка мамлакатимиз саноат тармоқларини модернизациялаш учун зарур замонавий ечимлар, илғор ишланмалар, шунингдек, янги авлод ускуналари, материаллари, технологиялари ва хизматларни ҳавола этиш мақсадида асос солинган.

(Давоми 2-бетда).

## ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

*Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, XXI аср, бу — глобаллашув ва дунё бозорида рақобат янада кучайиб бораётган асрдир.*

*Мазкур шароитларда, яъни билимлар иқтисодий ресурсга айланаётган, ахборот технологиялари дунё хўжалигини тубдан ўзгартираётган бир даврда ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиётини ривожлантириш моделини ишлаб чиқишда ахборотлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, ахборот ва компьютер технологияларини давлат ҳамда жамият бошқаруви тизимига, иқтисодиётнинг барча соҳаларига кенг жорий этишни жадаллаштиришга интилади.*

### МУНОСАБАТ

Зеро, ҳозирги даврда ҳар бир мамлакатдаги ҳаёт даражаси замонавий инновацион технологиялар ва илм-фан тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Бинобарин, ҳозирги кунда дастурий таъминот соҳасини янада равнақ топтириш масалалари дунёда долзарблик касб этмоқда. Дастурий маҳсулотлар бутун ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади, ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади, миллий иқтисодиёт инновацион тараққиётининг муҳим шарти бўлиб, глобаллашув шароитларида мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайди.

Мамлакатимиз парламенти қуйи палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари таъкидлашича, ўзи учун стратегик мақсад — илғор демократик давлатлар қаторидан жой эгаллаш, ўз халқига муносиб турмуш даражасини ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашни белгилаган Ўзбекистонда, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий ахборот технологиялари, жумладан, дастурий маҳсулотлар миллий индустриясини комплекс ривожлантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда АКТ соҳасига оид мукаммал қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базаси, самарали ташкилий, молиявий-иқтисодий, техник-технологик механизмлари шакллантирилган. Фақат сўнгги ўн йил мобайнида ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш, дастурий маҳсулотлар бозорини янада тараққий топтириш, миллий иқтисодиётнинг мазкур энг муҳим тармоғида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига катта солиқ ва божхона имтиёзларини тақдим этишни таъминлашга қаратилган 10 дан зиёд қонунлар, 3 та Фармон ва Юртбошимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 15 октябрь сешанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2013 йил 15 октябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 8 октябрь

## Ҳамкорлик истиқболларига бағишланди

**Яқинда Вена шаҳрида Ўзбекистон — Австрия ҳамкорлигининг замонавий ҳолати ва истиқболлари мавзуига бағишланган конференция бўлиб ўтди.**

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбирда Австрия парламенти, вазирликлари, ушбу мамлакат ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва илм-фан доиралари вакиллари, журналистлар Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзининг асосий мазмуни ҳамда мустақиллик йилларида юртимизда эришилган муваффақиятлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлдилар. Шунингдек, улар "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ҳамда "Жиззах" махсус индустриал зоналарида хорижлик сармоядорлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар билан ҳам таништирилди.

Конференцияда сўзга чиққан Австрия вакиллари мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда изчил олиб борилаётган ислоҳотларни юксак баҳолашди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан хорижий компания ва сармоядорларга қулай шарт-шароитларни яратиб бериш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар конференция иштирокчиларининг алоҳида эътиборига сазовор бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## БАНК ТИЗИМИ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг асосий ўналишларидан бири — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ва жадал ривожлантиришдир. Шу мақсадда банк-молия тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун кенг кўламли тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги ўз самараларини бермоқда.*

### ТАДҚИҚОТ

Дарҳақиқат, юртимизда ушбу тизим "тадбиркорларнинг ҳамкори ва таянчи" тамойилига асосланган ҳолда, уларнинг ишончини тўла қозониш йўлида молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида муваффақиятли фаолият юритаётир.

Таъкидлаш жоизки, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2011 — 2013 йиллар давомида ўтказилган социологик тадқиқотлар айни шу даврда Ўзбекистон банк тизимининг халқ фаровонлигини ошириш, хусусан, оилавий бизнес, аёллар ҳамда коллежлар битирувчиларининг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш юзасидан олиб бораётган фаолиятини жамоатчилик назари билан кузатишга қаратилди. Ҳар бир социологик сўровнинг асосий натижалари эса матбуот нашрларида омма эътиборига ҳавола этилгани, ўз навбатида, Ўзбекистон банк тизими томонидан тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган фаолият ҳақида кенг жамоатчиликнинг фикрини тўғри шакллантиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## Сайёҳлик индустриясининг кенг имкониятлари

**пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида бошланган "Ипак йўлидаги туризм" ўн тўққизинчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида намойиш этилмоқда**

"Ўзбектуризм" Миллий компанияси ҳамда "Буюк Ипак йўли" реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) кўмагида ташкил этилган мазкур нуфузли тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатлар сайёҳлик фирма ҳамда компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, мутахассислар, экспертлар ва юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда туризм дунё иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. 2000 йилдан буён ушбу соҳа жаҳон миқёсида товар ва хизматлар экспорти бўйича автомобиль, кимё, озиқ-овқат ва электроника саноатини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ҳозир Ер юзида 195 миллион киши ёки иш билан банд бўлган аҳолининг 8 фоизи айнан туризм саноатида меҳнат қилаяпти. Шунинг ўзиёқ бандлик масаласини ижобий ҳал этишда унинг нақадар муҳим ўрин тутишини яққол кўрсатади. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, йилдан-йилга сайёҳлар оқими ўртача 4-5 фоизга юксалиб бормоқда. Масалан, 2012 йилда илк бор уларнинг сони бир миллиард кишидан ошди.

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Юртимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган бўлиб, улар доимо хорижликлар қизиқишини орттириб келган. Ана шуларни инобатга олиб, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида туризм саноатини ривожлантиришга, хусусан, унинг муҳим таркибий қисми бўлган меҳмонхона индустрияси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, транспорт-коммуникация тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 850 дан ортиқ сайёҳлик ташкилотлари фаолият юритаяпти. Дам олиш масканлари сони йил сайин кўпайиб, уларда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бораётгани, янги сайёҳлик йўналишлари таклиф этилаётгани туристлар оқимининг сезиларли даражада ошишига замин яратмоқда.

Мамлакатимиз 1993 йилда Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлган. Республикамиз билан мазкур ташкилот ўртасидаги алоқалар мунтазамлик касб этган. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ипак йўлидаги туризм" Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси бунинг тасдиғидир. Айтиш жоизки, ушбу тадбир қисқа вақт ичида халқаро майдонда кенг танилиб, туризм маҳсулотларини таклиф этиш ва ишбилармонлик алоқаларини изчил йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш, сайёҳликдаги долзарб муаммоларни атрофлича муҳокама қилиш, қолаверса, янги йўналишлар очиш учун қулай имконият яратмоқда.

(Давоми 4-бетда).

# ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дастурий маҳсулотларни шакллантириш ва сифатини яхшилаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва воситаларига қўйилаётган талабларни ўзида акс эттирган 20 дан зиёд давлатлараро стандартлар қабул қилинди.

Жумладан, тармоқнинг изчил ва жадал ривожланишини таъминлаш, замонавий АКТни давлат ва жамият қурилиши соҳасида кенг қўллашда давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни янада жорий этиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида қабул қилинган тизимли чора-тадбирлар дастурий маҳсулотлар бозорини изчил ривожлантиришни таъминлашга хизмат қилмоқда. Натижада, агар 2005 йилда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган компаниялар сони қарийб 100 тани ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 268 тага етди. Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича статистика кўрсаткичлари ҳам жабҳада умумий ишлаб чиқариш ҳажми салмоқли равишда ўсиши тенденцияси кузатилаётганини кўрсатмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар бозоридан ўзимизда тайёрланган ва чет элдаги муқобиллари билан рақобатлаша оладиган янги миллий дастурий маҳсулотлар янада мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Барчага яхши аёнки, софтвер индустрияси билимлар иқтисодиётини шакллантириш шароитида инновацион фаолиятнинг устувор йўналишлари қаторига чиқмоқда ва келгусида мамлакат ЯИМга янги тушумлар, экспортни диверсификациялаш, юқори технологик иш ўринларини яратиш манбаига айланиши мумкин. Мазкур шароитларда, фракциямиз фикрича, яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори миллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, сифатли, рақобатбардош дастурий маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда уларни ички ва ташқи бозорда илгари суришга кўмаклашишга қаратилган улкан қадам бўлди.

Бунда электрон шаклда "онлайн" режимида юритиладиган дастурий таъминотни ишлаб чиқувчилар Миллий реестрини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, тегишли маълумотлар ягона электрон базасини шакллантиришга аҳамият берилмоқда. Ушбу чоралар АКТ соҳасида ишчан муҳитни салмоқли равишда яхшилаш, миллий дастурчилар манфаатларини глобал интернет тармоғида самарали илгари суриш ва ҳимоя қилиш, дастурий маҳсулотлар ва тизимнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, тадбиркорларнинг бозорга чиқишига, ҳамкорлар ва буюртмачиларни излаши, куч, вақт ва молиявий ресурсларни тежашига хизмат қилади.

Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар муддатда барча турдаги солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан; Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиниши дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчиларни сезиларли равишда рағбатлантиради. Бунда мазкур солиқ имтиёзларини тақдим этиш билан боғлиқ бўлган бўш қолаётган маблағлар моддий-техника базани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Бундан ташқари, дастурий маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш, дастурий маҳсулотларни ташқи бозорда илгари суриш мақсадида ушбу қарорда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати, агар уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган дастурий таъминот воситаларини экспорт қилиш ҳажми улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этган тақдирда, яна 2 йилга узайтирилади.

Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳамда хизматларни Интернет тармоғининг "он-лайн" дўконлари орқали экспорт шартномаси мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлиши ташқи савдони салмоқли равишда либераллаштиришга қаратилганлигини айтишимиз лозимдир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида бу йўналишда фаоллашув иқтисодий рағбатлар ва давлат томонидан тартибга солишнинг алоҳида мақбул шароитлари ни, жумладан, ишлаб чиқаришга инновацион ютуқларни жорий этишни таъминловчи солиқ, божхона ва меҳнат соҳасида тартибга солишни яратиш эвазига таъминланади. Ушбу чоралар рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи компаниялар саъй-ҳаракатларини сезиларли равишда фаоллаштириш ҳамда АКТ секторига кўп сонли салоҳиятли сармоядорларни жалб қилиш имконини беради.

Шунингдек, мазкур соҳа тармоғини ривожлантиришнинг ўзига хос яна бир жиҳати, бу — бир иш ўрнига нисбатан кам харажат талаб этилиши билан боғлиқ. Аммо асбоб-ускуналарнинг асосий ҳажми импорт қилинишини ҳам инобатга олиш лозим. Таҳлилчилар баҳоларига кўра, интернет ва электрон савдо ва бизнес тизимини ривожлантириш ва тарқатиш, компьютер технологиялари янги авлодини жорий этиш саноати ривожланган мамлакатлардаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида халқаро аутсорсинг лойиҳаларига янада кўпроқ эҳтиёж туғдирмоқда.

Умуман, дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришнинг асоси инсон капитали ва давлатнинг институционал кўмагидир. Мазкур шароитларда инсон капиталига инвестициялар киритишни ошириш, билимли ва интеллектуал жиҳатда етук авлодни вояга етказишни устувор вазифа, деб ҳисоблаган давлат рақобатбардош бўлади.

Эътироф этиш керакки, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган бу каби дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишга қодир малакали ишчи кучи мавжуд. Бу борадаги сифат ва сон афзалликларига Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳамда чет тиллари, шу жумладан, инглиз тилини умумий тарзда ўргатиш бўйича чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш ҳисобига эришилмоқда. Олий ўқув юртлари битирувчилари анъанавий тарзда яхши базавий математик ва техник маълумотга эга, бир неча хорижий тилларни билади. Бу уларга назарий жиҳатдан деярли қисқа муддатда дастурлашдаги айрим энг мураккаб фаолият турларини ўзлаштириш имконини беради.

ЎзЛиДеП фракцияси фикрига кўра, жаҳон бозорида миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, истеъдодларни юзага чиқариш, ёш иқтидорли дастурчиларни манзилли қўллаб-қувватлашда Юртбошимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони муҳим дастуриламалдир. Унинг ижроси Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларига, агар улар хонадонларда ишловчи (касаначи) жисмоний шахслар билан меҳнат шартномалари тузадиган бўлсалар, татбиқ этилишига хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорини самарали амалга ошириш иқтисодиётнинг ушбу энг муҳим секторини илдам ривожлантиришни таъминлаш, сифатли, рақобатбардош миллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш, миллий компанияларга дунё бозорида эътироф этилган АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой, Ирландия каби мамлакатлардаги софтвер компаниялар орасида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради. Мазкур тармоқни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини диверсификациялашга сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

Шунинг учун ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси мазкур тарихий аҳамиятга эга бўлган қарордан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш масаласини қатъий парламент ва депутатлик назорати остига олади, унинг сўзсиз ижросида, авваламбор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари манфаатдор эканлигини эътироф этади.

**Абдурашид ЖЎРАБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.**

# Ҳамкорлик истиқболларига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **Австрия Иқтисодий палатасининг МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий директори Хайнц Вальтер** икки томонлама алоқаларни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд эканлигини қайд этар экан, Австриянинг Ўзбекистонга экспорти ҳажми ўтган йили 83 миллион АҚШ долларидан ортганини таъкидлади.

— Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Австриянинг, асосан, дори-дармон саноатига ихтисослаштирилган 20 дан зиёд компанияси ваколатхонаси фаолият юритмоқда, — деди у, жумладан. — Шу билан бирга, ҳар икки мамлакат нефть ва газ, кимё ҳамда озиқ-овқат саноати, логистика ва транспорт, ахборот технологиялари сингари тармоқларда ҳам ишга солинмаган катта салоҳиятга эгадир.

Х. Вальтернинг айтишича, сайёҳлик соҳасига ихтисослаштирилган ўзбекистонлик мутахассислар малакасини ошириш ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан биридир. "Чунки Австрия бу борада улкан тажрибага эга бўлгани ҳолда, туризмдан тушадиган даромадлар бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди", деди Х. Вальтер.

**Вена техника университети профессори Хельмут Файт** мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик илм-фан ҳамда таълим соҳаларида ҳам муваффақиятли ривожланиб бораётганини билдирди.

— Сўнгги ўн йил мобайнида биз юртингиз олий таълим муассасалари, хусусан, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти ва Урганч давлат университети билан ўзаро ҳамкорликда иккита катта лойиҳани амалга оширдик, — деди профессор. — Фурсатдан фойдаланиб, мустақилликнинг 22 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига энг эзгу қутловларимни йўллар эканман, мамлакатингизнинг янада гуллаб-яшнашига тилакдошман.

**Австрия Иқтисодиёт, оила ва ёшлар федераль вазирлигининг халқаро муносабатлар бўйича бош директори Франц Вэссиг** эса сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларнинг фаоллашуви кузатилаётганини эътироф этди.

— Мен Австрия — Ўзбекистон иқтисодий қўшма комиссиясининг ҳамраиси сифатида ҳам иш олиб бораман, — деди у. — Комиссиянинг навбатдаги мажлиси жорий йил октябрда Вена шаҳрида бўлиб ўтади. Ҳозирги кунда ўзаро манфаатли шерикликни янада тараққий топтиришга хизмат қиладиган ушбу тадбирга алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда.

Франц Вэссигнинг айтишича, Ўзбекистоннинг энергетика тармоғи, автомобиль саноати ва сайёҳлик соҳаси истиқболларини Австрия компаниялари юксак баҳолайди. "Австрия Иқтисодий палатаси билан биргаликда биз мамлакатимиз ишбилармонларига ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйишларида кўмаклашаяпмиз", дея таъкидлади Ф. Вэссиг.

— Мен раҳбарлик қилаётган компания бир неча йиллардан буён Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритмоқда, — деди **Австрия — Ўзбекистон жамияти президенти Херберт Лугбауэр.** — Ўтган давр мобайнида биз катта иш тажрибасига эга бўлдик. Уни Австриянинг бошқа компаниялари билан ўртоқлашиш ҳамда уларни ҳам қўшма сармоявий лойиҳаларда қатнашиш учун жалб қилишга тайёрмиз.

**"East Link Service" сайёҳлик компаниясининг бошқарувчи директори Вальтер Третенхан** қайд этганидек, Австрия кўплаб йўналишларда, жумладан, сайёҳлик соҳасида ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир.

— Биз саёҳатчилар гуруҳларининг Ўзбекистон бўйлаб сафарларини уюштириш билан шуғулланамиз, — деди у. — Бугунги конференция иштирокчиларига юртингиз сайёҳлик салоҳияти, хорижлик сайёҳлар учун яратилган имкониятлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш имконига эга бўлганимдан мамнунман. Кўплаб австрияликлар ажойиб ўлкангизни яхши билишади. Негаки, кўҳна Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳатга чиқиш улар учун ниҳоятда қизиқарлидир. Яқин келажакда Ўзбекистонга борадиган сайёҳлар оқимининг янада ошишидан умидвормиз.

"**VENI — Вена Евроосиё тармоғи ташаббуси" жамоатчилик ташкилоти бош директори Питер Фельх** ўзи раҳбарлик қилаётган тузилма фаолияти ҳақида сўзлар экан, мазкур муассасанинг асосий мақсадларидан бири австрияликларни Марказий Осиё давлатлари билан яқиндан таништириш ҳамда ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш эканини айтди.

— Бугунги конференцияда ташкилотимиз фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги ахборотларни ўртоқлашиш менга катта мамнуният бағишлади, чунки биз ўз лойиҳаларимиз орқали жамоатчиликни Ўзбекистон ва Австрия халқлари ўртасидаги муносабатларнинг бир неча юз йиллик тарихи билан таништиришга интилмоқдамиз, — деди П. Фельх.

**«Жаҳон» АА.**
Вена

## Қисқа сатрларда

● Наманганда одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат бошқаруви ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

● **Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан "Тошкент шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатувчи транспорт корхоналари ҳаракатланиш воситалари таркибини янгилаш" мавзуида семинар ўтказилди. Маълумот тариқасида пойтахтимизда 1693 та автобус, 425 та микроавтобус, 384 та такси мақомидаги енгил автомашина, 98 та трамвай ва 194 та метро вагони йўловчиларга хизмат кўрсатаётгани, яқин истиқболда яна 600 та "Исузу" русумли, 200 та катта сиғимли автобус ва 20 та трамвай келтирилиши билдирилди.**

● Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказида илғор технологияларни жорий этиш, китобхонларга қулай шарт-шароит яратиш борасида муайян ютуқларга эришилмоқда. Ҳозирга қадар марказда 147 минг 593 нусхадан иборат 113 минг 890 номдаги адабиётнинг электрон каталоги яратилди. Айни пайтда 3 минг 727 нусхадаги нашрнинг электрон шаклдаги тўлиқ матнини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ХАЛҚАРО САНОАТ ҲАФТАЛИГИ







(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиётни таркибий ва сифат жиҳатдан ўзгартириш, айниқса, саноат тармоқларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунга биргина 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурга мувофиқ, ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, ушбу давр ичида қарийб 30,075 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар саноатни ривожлантиришга йўналтирилади. Бу жараёнда нафақат хорижлик ҳамкорлар иштирокида йирик ишлаб чиқариш объектлари барпо этилади, балки мавжуд қувватлар модернизация қилиниб, маънавий ва жисмонан эскирган саноат ускуналари тубдан янгиланади. Фақат 2013 йилнинг биринчи ярмида йирик саноат корхоналарида умумий қиймати 104,1 миллион АҚШ долларилик 1721 дона яроқсиз ускуна алмаштирилгани қувонарли ҳолдир. Бунинг эвазига хўжалик юритувчи субъектларда энергия, хом ашё ва бошқа табиий ресурслар тежалиб, пировардида саноат тармоқларининг рақобатбардошлиги таъминланди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 10,4 фоизга камайтиришга эришилгани бунинг тасдиғидир.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, саноат тармоқларига замонавий технологиялар ҳамда ускуналарни жалб этмасдан, хорижнинг илғор тажрибасини ўрганмасдан туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. "Марказий Осиё саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial Week" айни шу мақсадга хизмат қилаётгани, турли соҳа мутахассислари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, техника ва материаллар ишлаб чиқарувчилар билан уларни етказиб берувчилар орасида тажриба ва ахборот алмашиш учун қулай мулоқот майдонига айланиб улгургани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Жорий йилда халқаро кўргазмаларнинг бирлашган экспозицияларида жаҳоннинг қарийб 20 мамлакатидан ташриф буюрган 70 га яқин йирик компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш қилаётир. Улар орасида Германия, Эрон, Хитой, Латвия, Янги Зеландия, Польша, Беларусь Республикаси, Сингапур, Украина, Франция каби давлатларнинг дунёга машҳур компаниялари ўрин олгани ҳафталик нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолатдир.

"Тоғ-кон иши — MiningWorld Uzbekistan 2013" саккизинчи халқаро кўргазмасининг намойиш майдони, айниқса, одамлар билан гавжум. Сабаби, бу ерда кон-шахта, майдалаш-саралаш, бурғилаш, конвейер ускуналари, карьер техникаси, вентиляция қувурлари, тоғ-кон техникаси, эҳтиёт қисмлар, қисқача айтганда, энг сўнгги инновацион ишланмалар, тайёр маҳсулотлар, техника ва ускуналар намойиш этилаяпти.

— Ўзбекистон ер ости бойликлари кўп давлатлар сирасига киришидан хабаримиз бор, — дейди "Aramine" (Франция) компанияси вакили Максим Петровски. — Кейинги йилларда бу ерда қазилма бойликларини қидириб топиш, ўзлаштириш бўйича муайян ютуқларга эришилаётгани шундан далолат беради. Шу боис биз ушбу жараёнда зарур бўладиган техникалар, минглаб эҳтиёт қисмларни таклиф қилаяпмиз. Кон-шахта машиналари шулар жумласидан бўлиб, у кўплаб афзалликларга эга. Масалан, тор жойларда ҳам бемалол ҳаракатланиб, юклаш, ташиш каби вазифаларни бажаради. Шунингдек, соҳада 40 йиллик тажрибага эга компаниямиз шахта машиналарини модернизациялаш ва сервис хизматлари кўрсатиш билан ҳам шуғулланадики, бу юртингиз мутахассисларини қизиқтириб қолди. Ўйлайманки, кўргазма доирасида кўплаб ҳамкорлар топамиз.

Таъкидлаш керакки, тоғ-кон техникаси экспозициясини "Металлургия ва машинасозлик — Machinery Central Asia 2013" олтинчи Марказий Осиё халқаро кўргазмаси янада тўлдирган. Нега деганда, бу йил мазкур кўргазма майдони 50 фоиздан кўпроқ кенгайиб, тармоқнинг барча йўналишлари қамраб олинди. Буни намойиш этилаётган маҳсулотлар билан яқиндан танишган киши дарҳол илғаб олади, албатта. Турли деталларга ишлов бериш учун автоматик ва поток линиялари, ўзи марказлаштирувчи токарлик патронлари, темирчилик-пресслаш ускуналари, машиналар комплекслари ва полларга ишлов берувчи янги асбоблар, металлургия, машинасозлик ва дастгоҳсозлик соҳалари учун ўта муҳим бошқа кўплаб экспонатлар шулар жумласидандир.

Кўргазмаларга ташриф буюрган мутахассисларда "Қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғиндан ҳимоя — CIPS 2013" еттинчи Марказий Осиё халқаро кўргазмасидан ўрин олган турфа экспонатлар ҳам катта қизиқиш уйғотиши, табиий. Зеро, объектлар, жумладан, саноат объектларининг хавфсизлиги ва уларни ёнғиндан ҳимоялаш доимий диққат-эътибордаги масаладир. Шу боис маҳаллий ҳамда хорижий компаниялар томонидан энг замонавий алоқа ва телекоммуникация тизимлари, радиация назорати асбоблари, ўт ўчириш машиналари ҳамда техникаси, комплекс хавфсизлик ускуналари тақдим этилаётир.

Умуман олганда, "Марказий Осиё саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial Week 2013" халқаро форуми кўламининг кенглиги, мавзулар ранг-баранглиги билан саноатимиз ютуқларининг чинакам намойиш майдонига айланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётимизга инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритиш, замонавий техника ва технологияларни жалб этишда кенг имкониятлар эшигини очиши турган гап.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# «Саломатлик кунлари»

*"Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси томонидан "Саломатлик кунлари" бошланди. 7 октябрдан 12 октябрга қадар давом этадиган мазкур тадбир доирасида пойтахтимизда истиқомат қилувчи аёллар малакали тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.*

ТИББИЁТ

Халқимизда хасталикни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Негаки, дунёда экологик вазият тобора мураккаблашиб бораётган бир пайтда касалликлар тури ҳам, уни келтириб чиқарувчи омиллар ҳам талайгина. Айниқса, жаҳон олимларини ташвишга солаётган хасталиклардан бири — кўкрак бези саратонидир. Ҳозир мамлакатимизда ушбу касалликнинг олдини олиш ва даволаш борасида муайян ишлар амалга оширилаяпти. Айниқса, бу борада "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси фаолияти таҳсинга сазовор. Таъкидлаш жоизки, уюшма саъй-ҳаракати билан ушбу касалликни эрта аниқлаш, олдини олиш, асоратсиз даволаш билан бир қаторда, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданиятни юксалтиришда ҳам муайян ютуқларга эришилаётир.

Айни пайтда уюшма томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Республика Онкология илмий маркази ва Тошкент шаҳар онкология шифохонаси мутахассислари иштирокида пойтахтимизда яшовчи аёллар малакали тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Шунингдек, тадбир иштирокчилари ушбу хасталикнинг олдини олиш, ундан ҳимояланиш ва даволаниш борасида мутахассислардан қимматли маслаҳатлар олиш имконига эга бўлмоқда. Эътиборлиси шундаки, марказ ташкил этилганидан буён 27 минг нафардан зиёд аёл мутахассислар кўригидан ўтказилди. Бу хайрли ишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Salus Vita" ва "MDS-сервис" тиббиёт клиникаларининг хизмати беқиёс бўлмоқда.

Шунингдек, соғломлаштириш ҳафталиги давомида "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси томонидан семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилиб, савол-жавоб кечалари ҳам уюштирилади. Соҳа мутахассислари ва руҳшунослар иштирок этадиган бундай машғулотлар соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиши билан аҳамиятлидир.

Ноябрь ойида мазкур лойиҳанинг навбатдаги босқичи доирасида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида яшовчи аёлларни ҳам тиббий кўрикдан ўтказиш режалаштирилмоқда.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# БАНК ТИЗИМИ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Навбатдаги тадқиқот 2013 йилнинг ўтган 9 ойи якунлари бўйича амалга оширилди. Мазкур социологик сўров “Оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни ҳамда ҳудудларда аҳоли ва ишбилармонлик муҳити вакилларининг банк тизимига бўлган ишончи ҳақида жамоатчилик фикри — 2013” мавзуида юртимизнинг барча ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари ўртасида ўтказилди.

“Ижтимоий фикр” маркази сўровларининг иштирокчилари бу соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлар, шу жумладан, қишлоқ жойлар ва чекка ҳудудларнинг аҳолиси бўлди. Ўз фикрини билдираётган респондентларни танлашда оилавий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ҳамда микрофирмаларнинг қамраб олиниши таъминланди. Айни чоғда касб-ҳунар коллежлари ёш мутахассислари, тадбиркор аёлларга эътибор қаратилди.

Сўровларни ўтказиш жараёнида дастлаб қайси тижорат банкининг фаолияти эътирофга лойиқлигига доир саволга жавоблар олинди. Унга кўра, Халқ банки, “Агробанк”, Миллий банк, “Микрокредитбанк”, “Ипотека-банк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асака” банки, “Савдогарбанк”, “Ҳамкорбанк”, “Алоқабанк” филиалларининг фаолияти ҳудудларда кўпроқ эътиборга моликлиги маълум бўлди.

“Шу банкнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?” саволига олинган жавобларда ижобий баҳо 98,5 фоизни ташкил этиб, илгариги сўровларга нисбатан ижобий баҳо бераётганлар салмоғи ортиб бораётганлиги кузатилди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги тадбиркорларнинг мутлақ кўпчилиги банклар фаолиятига ижобий баҳо берди.

Банк фаолиятидан мамнунликни баҳолаш бўйича берилган саволларга, биринчи навбатда, “Банк ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан ва хушмуомалалик билан малакали бажарадилар” дея жавоб берилган бўлса, кейинги ўринларда “Маслаҳат бериш ва муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатилади”, “Омонатларни сақлаш бўйича барча амалиёт ўз вақтида амалга оширилади”, “Белгиланган тартибга тўла риоя қилинади, қонун бузилишига йўл қўйилмайди” каби жавоблар билдирилди.

Сўровда иштирок этганларнинг 97 фоизи банкларда сақланаётган аҳоли омонатлари давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлигини билишини айтди. Банклар томонидан жозибадор омонат турлари таклиф этилаётганлиги аҳоли пул маблағларини банк муассасаларида сақлашнинг ишончлилиги ва қулайлигини кундан-кунга оширмоқда. Аҳолининг омонатга пул қўйишида ҳал қилувчи омил сифатида, аввало, “Банкка бўлган ишонч” бўлса, кейинги ўринларда “Юқори даромадлилик”, “Юқори даражада хизмат кўрсатиш” кабилар деб қайд этилди.

Тижорат банклари ходимлари томонидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлаш жараёнида мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ортиб бораётгани ҳам тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлмоқда. Респондентларнинг катта қисми (98,5%) бу масалада ўз мамнунлигини билдирганлиги буни тасдиқлайди.

Шунингдек, электрон воситалар ва пластик карточкалардан фойдаланишда, тўловларни амалга оширишда замонавий телекоммуникация воситаларининг қўлланилаётганлиги натижасида яратилаётган қулайликлар хусусида ижобий фикрлар билдирилиб, бу хизмат турларини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Бошқача айтганда, респондентлар “Уларнинг қулай томонлари кўп: телефон, интернетга тўловлар каби ва бошқа операциялар бир зумда бажарилади”, “Пул маблағларини оператив тарзда бошқариш имкониятини беради” каби фикрлар билан ўз мамнунликларини ифодалаганлар.

Тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган истеъмол кредитлари ҳақида ҳам кўпчилик ижобий баҳо берган. Сўралганларнинг асосий қисми тижорат банклари томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида истеъмол кредитлари ажратиш тартибларини белгилаш бўйича янги қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таниш эканлигини мамнуният билан билдирган.

Аҳолига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида тадбиркорлар ва аҳоли учун яратилган шарт-шароитлар, банкнинг иш тартиби, банк хизмат турларининг сифати ҳамда турлари, банк ходимларининг малакаси ва муомала маданияти юзасидан ҳам ижобий фикрлар олинди.

Социологик сўровнинг асосий йўналиши халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида молия-банк тизими томонидан яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити ҳақида тадбиркорлик субъектлари вакилларининг фикрини аниқлаш, банкларнинг кредитлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятлари, кредитларнинг самарадорлигини очишдан иборат бўлди.

Шу билан бирга, банкларнинг имтиёзли микромолиявий хизматлари кўпчилик респондентлар томонидан алоҳида таъкидланиб, ушбу хизмат турлари бизнес фаолиятини бошлаш учун катта имконият яратаётгани алоҳида эътироф этилди. Банк тизими микрокредитлаш асосида тадбиркорликка ёшларни, хотин-қизларни кенг жалб этиш ва уларни иш билан таъминлаш борасида давлат сиёсатини фаол қўллаб-қувватлаётганлиги ҳам сўровларда ўз аксини топди.

> Сўровда иштирок этганлар орасида кредит олиш учун банкка мурожаат этган тадбиркорлар
>
> **95,5** фоизни ташкил қилдики, бу ишбилармонларнинг банкларнинг кредитлаш фаолиятидан фойдаланишдаги фаоллиги тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатимизнинг етакчи тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун берилаётган имтиёзли кредитлар самараси бўйича ҳам тадбиркорларнинг кўпчилиги илиқ муносабат билдирди. Жумладан, ҳудудларда ўтказилаётган учрашувларда имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлган ёшлар қисқа муддат ичида бизнесларини йўлга қўйишга муваффақ бўлмоқдалар.

Ана шу ажратилаётган имтиёзли кредитлар ёшлар учун бошланғич капитални шакллантириш ва ўз фаолиятини кенгайтиришга катта имконият яратмоқда, ўзини ва аҳолини иш билан таъминлашга ёрдам бермоқда, коллеж битирувчиларининг бизнес ғоялари амалга ошишига, қўшимча иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшмоқда.

Тадбиркорларнинг асосий қисми (97,5 фоизи) бизнесни юритиш учун зарур бўладиган маблағни тижорат банкларидан олишни мақсадга мувофиқ деб билса, жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир мақсадли дастурларни амалга оширишда, аҳолини иш билан таъминлашда банклар томонидан ажратилаётган кредитлар беқиёс аҳамият касб этаётганлиги эса сўров иштирокчиларининг аксарияти томонидан алоҳида эътироф этилди.

Аҳолининг шахсий томорқасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган молиявий кўмакнинг аҳамияти ҳам сўров қатнашчилари томонидан қувонч билан қайд қилинди. Банк филиалларида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига мевали дарахт кўчатлари, кичик иссиқхона ташкил этиш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш учун ажратилган имтиёзли микрокредитлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бераётганлиги алоҳида тилга олинди.

Шунингдек, респондентларнинг 98,5 фоизи республика Марказий банки томонидан мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ўтказилаётган учрашувларда мутахассислар томонидан кенг оммага содда, равон тилда тушунтиришлар берилишини, иштирокчилар барча саволларига тўлиқ жавоб қайтарилишини ва кўтариладиган масалаларни ҳал этиш юзасидан барча зарурий чоралар кўрилиб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаган.

Тадбиркорлик фаолияти давомида олинган кредитдан самарали фойдаланиб, юксак натижаларга эришганлиги ва кредитни қайтаришда ҳеч қандай қийинчиликларга учрамаганлигини билдирганлар ҳам кўпчиликни (96,5 фоиз) ташкил этди.

Мазкур ижобий кўрсаткич мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги, бизнес лойиҳалари сифат жиҳатдан мукаммал ва пухта ишлаб чиқилаётганлиги, кредитдан фойдаланиш давомида банк мутахассислари томонидан самарали мониторинг ўтказилаётганлиги билан изоҳланади.

“Ижтимоий фикр” марказининг сўрови натижалари шундан далолат берадики, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида молия-банк тизими томонидан яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳитига, Ўзбекистон банк тизимининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, хусусан, оилавий бизнес, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш йўлида олиб бораётган фаолиятига тадбиркорлик соҳаси вакиллари катта қизиқиш билан қарамоқдалар.

Сўровда иштирок этганлар томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш, замонавий ва қулай банк хизматларини кенг жорий этиш, жойларда мунтазам равишда тадбиркорлар билан амалий учрашувларни ўтказиб бориш ҳамда бошқа бир қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш юзасидан ҳам таклиф ва тавсиялар берилди.



> Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки етакчилигида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган барча ишлар пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ва иқтисодиётимиз салоҳиятининг юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**(«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида тайёрланди).**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРДАН 4 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Томёпқич ва гидроизоляцион ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 3 сентябрдаги 67-Б-сонли буйруғи.*

**2013 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2510 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

2. «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 12 сентябрдаги 01-02/12-17, Н-7/250-13, 85, 14/9-сонли қарори.*

**2013 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 619-3 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

3. «Товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 20 сентябрдаги 01/19-26/17-сонли қарори.*

**2013 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1064-4 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

4. «Хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 20 сентябрдаги 01/19-26/18-сонли қарори.*

**2013 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2350-1 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

5. «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 30 сентябрдаги 297-мҳ-сонли буйруғи.*

**2013 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-7 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

6. «Ички ишлаб чиқариш транспортидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 30 августдаги 66-Б-сонли буйруғи.*

**2013 йил 2 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2511 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

7. «Биринчи гуруҳга ўсимлик ёғини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 26 августдаги 17-сонли қарори.*

**2013 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2512 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

8. «Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 26 августдаги 18-сонли қарори.*

**2013 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2513 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

9. «Ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида тузилган шартномалар ва келишув баённомаларининг амалга ошириш мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2013 йил 4 сентябрдаги 5, 46-сонли қарори.*

**2013 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2514 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

10. «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек, дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2013 йил 26 сентябрдаги 327-сонли буйруғи.*

**2013 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2118-1 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

11. «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 25 сентябрдаги 92, 2013-42, 315-В-2-сонли қарори.*

**2013 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-2 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

12. «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 12 сентябрдаги 86, 01/09-26/14, 2013-43-сонли қарори.*

**2013 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1121-3 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

13. «Халқаро транспортда ташишни лицензиялаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг 2013 йил 26 сентябрдаги 16-сонли буйруғи.*

**2013 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 171-1 (2013 йил 7 октябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом, 1 — 3-сон ўзгартириш ва қўшимчалар *(рўйхат рақами 1064, 2001 йил 15 сентябрь), (рўйхат рақами 1064-1, 2008 йил 27 май), (рўйхат рақами 1064-2, 2010 йил 8 июль), (рўйхат рақами 1064-3, 2011 йил 22 сентябрь). Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2013 йил 30 сентябрдаги 295-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом *(рўйхат рақами 2350, 2012 йил 5 апрель). Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2013 йил 30 сентябрдаги 296-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

3. Ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида тузилган шартномалар ва келишув баённомаларининг амалга ошириш мониторинги тўғрисидаги низом *(рўйхат рақами 1893, 2009 йил 2 февраль). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг қарори билан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2013 йил 3 октябрдаги 301-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

4. Халқаро транспортда ташишни лицензиялаш тартиби *(рўйхат рақами 171, 1995 йил 8 сентябрь). Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2013 йил 4 октябрдаги 305-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## Эълонлар


## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 18 февралдаги 1131/28588-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Байтқўрғон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган омборхона иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 328 310 984 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 13 июлдаги 4912-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ-қовоқ» ҚФЙ, Узумзор маҳалласидаги савдо дўконлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 97 999 437,6 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 20 декабрдаги 18281-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қибрай» ШФЙ, Гулзор кўчасидаги 49-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 573 155 278,2 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 13 июлдаги 4911-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ-қовоқ» ҚФЙ, Вир Ботаника кўчаси, 1-уйдаги 25-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 33 352 065 сўм.***

**5.** Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 2012 йил 20 декабрдаги 4040/8-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қибрай» ҚФЙдаги 6-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 155 173 447 сўм.***

**6.** Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 27 декабрдаги 2-204/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Матқобулов» ҚФЙ, 7-Арча тор кўчасидаги 9-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 320 046 163 сўм.***

**7.** Аукцион савдосига Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2013 йил 18 мартдаги 898-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод шаҳри 3-даҳа, 5-уйдаги 4-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 19 473 523 сўм.***

**8.** Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 2013 йил 6 майдаги 1-1415/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ц-13 мавзеси, 28-уйдаги 13-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 199 687 500 сўм.***

Аукцион савдолари 2013 йил 24 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**9.** Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 2013 йил 20 июндаги 1-382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Султонали Машхадий 1-берк кўчасидаги 1-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 7 747 800 сўм.***

**10.** Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 2013 йил 20 июндаги 1-382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мавлоно Риёзий кўчасидаги 59-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 268 369 664 сўм.***

**11.** Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 2013 йил 20 июндаги 1-382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мавлоно Риёзий кўчасидаги 14-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 96 952 523 сўм.***

**12.** Аукцион савдоларига Ҳамза тумани СИБ томонидан 2013 йил 20 июндаги 1-382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Султонали Машхадий кўчасидаги 31-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 390 140 383 сўм.***

Аукцион савдолари 2013 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55.**

*Лицензия: RR-0052.*

1704А/380



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги

**БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ**

**томонидан спорт анжомлари ва ускуналари харид қилиш мақсадида тендер савдолари ўтказилди.**

***Ушбу тендер савдолари бўйича тендер комиссияси томонидан қуйида номлари келтирилган корхоналар ғолиб деб топилди.***

**ТТ-2013-I**

- «Стеклопластик» МЧЖ — 10 позиция
- «Машхим» МЧЖ — 12 позиция
- «Хўжаобод» МЧЖ — 19 позиция
- «Медиа Прогресс» МЧЖ — 2 позиция
- «Азия Спорт-С» ХФ — 15 позиция
- «Бешариқ савдо люкс» ХК — 1 позиция
- «Телеметрик» МЧЖ — 2 позиция

1703А/973



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади.***

«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2013 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

**1.** Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 22 ноябрдаги 91-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Нарпай кўчаси, 170-уйда жойлашган, умумий майдони 1 738,9 кв.м. бўлган собиқ уй-жой комбинатининг А литердаги биноси.

***Бошланғич баҳоси — 292 277 207 сўм.***

**2.** Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 22 ноябрдаги 91-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Нарпай кўчаси, 170-уйда жойлашган, умумий майдони 3 544,62 кв.м. бўлган собиқ уй-жой комбинатининг А, Б, Б-2 литерлардаги диспетчер биноси ва айвон.

***Бошланғич баҳоси — 599 309 560 сўм.***

**3.** Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 5 апрелдаги 2-174/9-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси, 153-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 662,4 кв.м., фойдаланиш майдони 642,55 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи омборхонаси.

***Бошланғич баҳоси — 184 109 000 сўм.***

**4.** Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 3 декабрдаги 104-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Чўпонота мавзеси, Тошкент тракти кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 397,42 кв.м. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 377 722 000 сўм.***

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 12 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38.**

*Лицензия: № RR-0017.*

1697А/105



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф қилади.***

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 23 октябрь куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, «Эркабоевлар» МЧЖга тегишли, 0001-0016 литерлардаги, қурилиш майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,0 кв.м. бўлган керамзит базаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 395 508 886 сўм.***

**2.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Полосон» ҚФЙ, «Ибн Сино» МФЙда жойлашган, «Эркабоевлар» МЧЖга тегишли, 0001-0009, 0009а, 0009б, 0010, 0011, 0012 литерлардаги, умумий майдони 1 894,38 кв.м., фойдаланиш майдони 1 629,45 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 109 676 624 сўм.***

**3.** Қува тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2009 йил 20 апрелдаги 15-09-03/3897-сонли ва 2009 йил 3 августдаги 15-09-04/14383-сонли, 2009 йил 13 ноябрдаги 15-09-07/21969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Қува тумани, «Муҳитдинов» ҚФЙ, Сўфи қишлоғида жойлашган, «Мирзақосим Мансуров» ММТПга тегишли, умумий майдони 1821,96 кв.м. бўлган бетон бостирма (навес).

***Бошланғич баҳоси — 50 717 967 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 21 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 (беш) банк кунида тўлиқ тўлаши керак. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим қилиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 224-19-91, (+99890) 231-38-59.**

*Лицензия: № RR-0017.*

1696А/105

# Сайёҳлик индустриясининг кенг имкониятлари

**пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида бошланган “Ипак йўлидаги туризм” ўн тўққизинчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида намойиш этилмоқда**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу гал ярмаркада Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Таиланд, Малайзия, Италия каби қирқдан ортиқ давлатдан 700 дан зиёд фирма ва компаниялар вакиллари қатнашмоқда.

“Ўзэкспомарказ” мажмуасининг мазкур ярмарка учун ажратилган павильонлари ҳудудига кириб боришингиз билан ҳовлидаги ажойиб манзаранинг ўзиёқ диққатингизни тортади. Миллий ижрочиларнинг куй-қўшиқлари садоси тадбирга байрамона руҳ бағишлаб турибди. Бир томонда дорбозлару полвонлар маҳоратини намойиш этаяпти, бошқа жойда эса юртимиз боғларида етиштирилган ширин-шакар мевалар, қовуну тарвузлар, миллий таомлар таклиф қилинмоқда. Ҳунармандларнинг ижод намуналари жойлаштирилган бўлимлар ҳам ташриф буюрувчилар, айниқса, хорижликларда катта қизиқиш уйғотаётир.

Бино ичкарисидаги жараён билан яқинроқ танишамиз. Бу ерда мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган кўргазма ва стендлар “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат миллий павильони”дан ўрин олган бўлиб, унда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос жиҳатлари, меҳмондўстлик таомилидан тортиб, ноёб тарихий меъморий обидалари, осориатиқалари, табиат манзаралари, урф-одатлари кенг намойиш этилмоқда. Бундан ташқари, экспозициядан сайёҳлик компаниялари, ўқув ва соғломлаштириш марказлари, театрлар, музейлар ҳамда сайёҳлик агентликлари, “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг ҳудудий бўлимлари ҳам жой олган. Алоҳида стендларда эса Ўзбекистон санаторий ва шифохоналаридаги шарт-шароитлар таништирилмоқда.

Ташриф буюрувчилар “Шарқ бозори” ҳамда “Ҳунармандлар шаҳри” бўлимларида ўзбек миллий таомлари, пазандалик санъати ҳақида янада кенгроқ маълумот олиш, миллий ҳунармандлик буюмларини томоша ва харид қилиш имкониятига эгалар.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

— Юртимизда биз, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятимизни ривожлантириш учун жуда катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Шаҳрихон туманидан келган кандакор пичоқчи уста Содиқжон Неъматов. — Солиққа оид қатор имтиёзлар жорий этилгани, мана бундай халқаро форумларда қатнашишимиз учун шарт-шароитлар яратиб берилаётгани шулар сирасига киради. “Ипак йўлидаги туризм” Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида бу гал тўртинчи бор иштирок этаяпман. Ҳар йили янгидан-янги таассуротлар орттираман. Шаҳрихоннинг ўзига хос пичоқчилик мактаби борки, уни юртдошларимиз жуда яхши билишади. Биз энди ўз ижод намуналаримизни хорижликларга ҳам яқиндан таништиришга интилмоқдамиз. Ўттиз йилдан бери шу касб билан шуғулланаман. Йигирма нафардан ортиқ шогирдим бор. Улар билан биргаликда юзга яқин турда пичоқлар тайёрлаймиз. Келгусидаги ниятимиз — ўз ҳудудимизда маҳсулотларимиз намойиши учун алоҳида жой ташкил қилиш. Бу ижодимизни тарғиб этишда қўшимча қулайлик яратади.

“Ипак йўлидаги туризм” ўн тўққизинчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида чет эл сайёҳлик компания ҳамда фирмалари, юртимизнинг етакчи сайёҳлик операторлари, меҳмонхоналари вакиллари ўз хизмат турлари, маълумотларини тақдим қилмоқда. Бундан ташқари, “Туризм соҳасида ахборот технологиялари”, “Меҳмонхона ва жойлашиш объектлари”, “Транспорт хизматлари”, “Суғурта хизматлари”, “Гастрономик туризм” каби бўлимлар ҳам ташкил этилган.

— Ўзбекистонга илк бор ташриф буюришим, — дейди Малайзиянинг “Kalao voyages Sdn. Bhd.” компанияси бош менежери Оои Чин Хок. — Биз саёҳатларни ташкил қилиш фаолияти билан шуғулланамиз. Франция, Испания, Сингапур, Таиланд каби давлатларда бўлимларимиз бор. Кейинги вақтларда халқаро миқёсда юртингиз сайёҳлик салоҳияти ҳақида жуда кўп ижобий фикрлар билдирилаяпти. Қизиқишимиз ортиб, мана шу ярмаркада қатнашишга ошиқдик. Мақсадимиз нафақат ўз хизматларимизни таништириш, балки Ўзбекистоннинг туризм имкониятларидан янада кўп хабардор бўлишдир. Мен ҳозирданоқ ҳис қилиб турибманки, мамлакатингиз билан ушбу соҳада ҳамкорлик ўрнатиш ҳар томонлама самарали ва манфаатли бўлади. Чунки Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳити яратилган экан. Қолаверса, бу ерда дунё аҳлини мафтун этадиган осориатиқалар, муқаддас қадамжолар, сўлим масканлар жуда кўп. Энг муҳими, юртингиздаги тинчлик ва осойишталик, халқингизнинг бағрикенглиги туризм ривожида алоҳида аҳамиятга молик.

Халқаро кўргазма 10 октябрга қадар давом этади.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти (М. Мирзаев номидаги ЎзБУВИТИ)**

**2014 йил учун**

**06.01.07** — Мевачилик-узумчилик мутахассислиги бўйича (2 ўрин) катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул эълон қилади.

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача.**

*Тегишли маълумотлар учун Маҳмуд Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтига мурожаат этиш мумкин.*

**Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Гулистон» ҚФЙ, Чимкент йўли кўчаси, М. Мирзаев номидаги ЎзБУВИТИ.**
**Телефонлар: (8-371) 220-26-82, 220-24-42.**

1580A/878



**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!**

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.***

1539A893





**● Реклама ва эълонлар ●**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2013 йил 7 ноябрь куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади.**

**Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уйда жойлашган, тугатилаётган «POLA COMMERCE» МЧЖ балансидаги қуйидаги мол-мулклар қўйилади:**

| Т/р | Объект номи | Ишга тушган вақти | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1. | Музлаткич ускунаси (1 тўплам) | 26.08.2009 й. | 126 495 816 |
| 2. | Компрессор (1 тўплам ) | 12.10.2009 й. | 22 371 067 |
| 3. | Металлопластикли қувурлар ишлаб чиқарувчи линия ускунаси (1 тўплам) | 12.10.2009 й. | 1 100 000 000 |
| 4. | Тақсимлаш пункти ПР-117124 (1 дона) | 19.10.2010 й. | 2 607 493 |
| 5. | Техник майдалагич (дробилка) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 1 911 876 |
| 6. | 20 футли контейнер, рақами № NCLU 200164 (7) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 3 116 421 |
| 7. | 20 футли контейнер, рақами № FFFU 301614 (0) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 3 116 421 |
| 8. | 40 футли контейнер, рақами № GH 00003 [HLGU 427202 (4)] (1 дона) | 22.01.2011 й. | 3 700 749 |
| 9. | 40 футли контейнер, рақами № HJCU 746958 (5) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 3 700 749 |
| 10. | «БК-2500» русумли кондиционер | 22.01.2011 й. | 203 571 |
| 11. | «LG S12LHP (LS-H126RU1)» русумли кондиционер (носоз) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 420 924 |
| 12. | «Hisense» русумли KFR-25GE кондиционери (носоз) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 423 400 |
| 13. | «Hisense» русумли KFR-25GE кондиционери (1 дона) | 22.01.2011 й. | 635 100 |
| 14. | «LG» русумли S09LHP(LS-H096QLL1) кондиционери (1 дона) | 22.01.2011 й. | 635 100 |
| 15. | «LG» русумли S09LHP(LS-H096QLL1) кондиционери (1 дона) | 22.01.2011 й. | 635 100 |
| 16. | «Panasonic» русумли факс/телефон (1 дона) | 22.01.2011 й. | 107 110 |
| 17. | «Panasonic» русумли телефон (1 дона) | 22.01.2011 й. | 30 536 |
| 18. | Мини АТС (1 дона) | 22.01.2011 й. | 1 273 680 |
| 19. | «Panasonic» русумли TC-2155R телевизори (1 дона) | 22.01.2011 й. | 171 376 |
| 20. | «Орион-100Ф Уз» русумли назорат-касса машинаси 00621 (1 дона) | 30.03.2011 й. | 220 140 |
| 21. | Раҳбар столи (200x100) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 570 000 |
| 22. | Ёнбош тумба (200x60) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 463 000 |
| 23. | Олд тумба (80x120) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 168 247 |
| 24. | Китоб жавони (ойнали) (95x200) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 175 000 |
| 25. | Ёғоч шкаф (95x200) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 180 000 |
| 26. | Китоб жавони (120x180) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 210 000 |
| 27. | Китоб жавони (120x195) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 210 000 |
| 28. | Китоб жавони (200x195) (2 дона) | 22.01.2011 й. | 682 292 |
| 29. | Ёғоч стул (офис учун) (16 дона) | 22.01.2011 й. | 520 000 |
| 30. | Стол (суҳбат учун) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 132 420 |
| 31. | Стол (80x160) (2 дона) | 22.01.2011 й. | 300 000 |
| 32. | Телевизор тумбаси (60x40) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 47 500 |
| 33. | Металл оёқли стул (офис учун) (8 дона) | 22.01.2011 й. | 200 000 |
| 34. | Стол (140x70) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 225 000 |
| 35. | Тумба (90x45) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 92 974 |
| 36. | Бир тумбали стол (160x80) (3 дона) | 22.01.2011 й. | 450 000 |
| 37. | Стол (230x80) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 570 000 |
| 38. | Стол (120x80) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 225 000 |
| 39. | Стол (80x60) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 138 504 |
| 40. | Раҳбар столи (270x100) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 570 000 |
| 41. | Ёнбош тумба (140x40) (2 дона) | 22.01.2011 й. | 617 082 |
| 42. | Кичик тумба (50x40) (2 дона) | 22.01.2011 й. | 140 000 |
| 43. | Чарм қопламали кресло (2 дона) | 22.01.2011 й. | 380 000 |
| 44. | Чарм қопламали кресло (кичик) (4 дона) | 22.01.2011 й. | 300 000 |
| 45. | Раҳбар столи (200x100) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 570 000 |
| 46. | Чарм қопламали юмшоқ мебель (2 ўринли диван) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 335 000 |
| 47. | Чарм қопламали юмшоқ мебель (3 ўринли диван) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 375 000 |
| 48. | Чарм қопламали юмшоқ мебель (кресло) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 190 000 |
| 49. | Мато қопламали юмшоқ мебель (кресло) (2 дона) | 22.01.2011 й. | 380 000 |
| 50. | Журнал столи (120x60) (2 дона) | 22.01.2011 й. | 276 000 |
| 51. | Металл шкаф (50x130) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 109 000 |
| 52. | Сейф (50x80) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 109 000 |
| 53. | Катта металл шкаф (80x130) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 144 500 |
| 54. | Оёқли металл шкаф (50x130) (1 дона) | 22.01.2011 й. | 198 000 |
| 55. | «Canon» русумли принтер, сканер, ксерокс (1 дона) | 22.01.2011 й. | 339 286 |
| 56. | «HP Laser Set» русумли принтер (1 дона) | 22.01.2011 й. | 156 071 |
| 57. | «Canon Laser Shot 1120» русумли принтер (1 дона) | 22.01.2011 й. | 169 643 |
| 58. | «LG Studioworks 563» русумли монитор (1 дона) | 22.01.2011 й. | 13 571 |
| 59. | «LG» русумли монитор (1 дона) | 22.01.2011 й. | 158 460 |
| 60. | «LG Flatron T750BH Plys» русумли монитор (1 дона) | 22.01.2011 й. | 40 714 |
| 61. | «Samsung Sync Master 793 DF» русумли монитор (1 дона) | 22.01.2011 й. | 50 000 |
| 62. | Тизим блоклари (системный блок) (4 дона) | 22.01.2011 й. | 547 204 |
| | **Ўрнатилмаган ускуналар** | | |
| 1. | Кесиш ускунаси (1 дона) | 26.11.2010 й. | 8 679 941 |
| 2. | Индукцион қиздирув печи (1 дона) | 26.11.2010 й. | 6 974 953 |
| 3. | Ўраш ускунаси (1 дона) | 26.11.2010 й. | 5 314 250 |
| | **Моддий-товар бойликлари** | | |
| 1. | 1 шохли қандил (1 дона) | н/м | 22 400 |
| 2. | 2 шохли қандил (2 дона) | н/м | 105 000 |
| 3. | Жалюзалар (15 м.) | н/м | 150 000 |
| 4. | Тюнер (носоз) (1 дона) | н/м | 7 600 |
| 5. | Шифт ёритмалари (светильники) (21 дона) | н/м | 472 500 |
| 6. | Бра (2 дона) | н/м | 98 918 |
| 7. | Гуллар учун тувак (напольный) (3 дона) | н/м | 135 000 |
| 8. | Стул (1 дона) | н/м | 39 000 |
| 9. | Тумба (5 дона) | н/м | 371 895 |
| 10. | Ўзбекистон Республикаси харитаси (1 дона) | н/м | 2 400 |
| 11. | Металл пештахта (1 дона) | н/м | 56 400 |
| 12. | Тошкент шаҳри харитаси (1 дона) | н/м | 2 400 |
| 13. | Ёнғин хавфсизлиги шчити (2 дона) | н/м | 330 000 |
| 14. | «БК» русумли кондиционер (1 дона) | н/м | 237 500 |
| 15. | 2 табақали ойнали шкаф (1 дона) | н/м | 210 000 |
| 16. | Журналлар учун столча (1 дона) | н/м | 138 000 |
| 17. | Шкаф (2 дона) | н/м | 300 000 |
| 18. | Металл токчалар (1 дона) | н/м | 575 400 |
| 19. | Тюмень тарозиси (1 дона) | н/м | 33 929 |
| 20. | Металл қувурлар, диаметри 50 мм. (30 м.) | н/м | 6 120 000 |

**Очиқ аукцион шартлари.**

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич баҳонинг камида 10 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камни ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:**
**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**
**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 144-23-41, 351-28-14. Тел./факс: (8-371) 233-23-40.**
**Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.**

Шунингдек, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2013 йил 12 ва 26 сентябрь кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «O`zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi ishlar boshqarmasi» ДУК балансидаги давлат рақами 01/895QCA бўлган «ИЖ-2715» русумли автомашина 2 500 000 сўмга, Сергели политехника касб-ҳунар коллежи балансидаги давлат рақами 01/994FCA бўлган «УАЗ-3151201» русумли автомашина 900 000 сўмга, «Ўзбектелеком» ОАЖ АК Тошкент филиали балансидаги давлат рақами 10/417MAA бўлган «ГАЗ-5204» автомашинаси 2 900 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

***Гувоҳнома № 005357.***

1701A/571


**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
**9.00 дан 18.00 гача**
**232-11-15, 236-09-25.**
**E-mail: reklama@xs.uz**
02


“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси бошқаруви ҳамда меҳнат жамоаси “Ўзқурилишматериалсавдо” МЧЖ бош директори

**Зиёдулло БОБОНАЗАРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.**
**Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.**
**Навбатчи — О. Файзиев.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5